

ЮЗ ТАСВИРИГА КҮРА ИДЕНТИФИКАЦИЯЛАШНИНГ СУНЬЙИ ИНТЕЛЛЕКТГА АСОСЛАНГАН УСУЛЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Т.Эшонкулов,
Ф.Нуржанов

Жиззах давлат педагогика институти

Тошкент давлат аграр университети

furqatbeknf@gmail.com

Аннотация: Уибү мақолада сунъий интеллект тизимлари ёрдамида юз тасвирига кўра шахсни таниб олиши усулларнинг қиёсий таҳлили асосида машинали ўқитиши ва нейрон тармоқ тушунчалари ва уларнинг соҳада кўлланилиши жараёнлари баён қилинади.

Калим сўзлар: юз тасвири, технологиялар, сунъий интеллект, усуллар, дастурий таъминот.

Хозирги кунда илм-фан ўзининг ривожланиши жараённида янада мураккаб объектларни ўрганишга ўтмоқда. Биринчи навбатда амалиётнинг талаблари эфектли усулларни ва математик алгоритмларни яратиш ва уни обьект учун таҳлил қилиш ва такомиллаштиришни назарда тутади.

Бугунги кунда мутахассислар сунъий интеллект тизимларини қўллашнинг асосий белгиси сифатида шахс ҳакида обьект яратиш, тасвирларга дастлабки ишлов беришда рақамлаштириш, тасвирларни қайта ишлаш, маълумотлар тўплаш, юз тасвирини идентификациялаш тизимларининг муайян босқичларга бўлинишини эътироф этадилар.

Хозирда тасвирларга ишлов бериш, тасвирдаги информатив белгиларини ажратиш, тақкослаш, ва ушбу обьектни идентификациялашнинг илмий йўналишларидан бири сунъий интеллект технологиялар соҳаси хисобланади. Бунда обьект учун усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, инсон фактори қатнашмаган жараёнларда сунъий интеллект ёрдамида юз тасвирига кўра шахсни идентификациялашнинг машинали ўқитиши, нейрон тармоқларини қўллаш ҳамда мантиқий математик амаллар ва алгоритмларни хисоблашнинг интеллект тизимларини турли амалларни бажаришга мўлжалланган алгоритм ҳамда дастурий воситалар яратиш билан боғлиқ хисобланади.

Бунда инсон онги бажариши мумкин бўлган вазифаларни бажариш имкониятига эга бўлган компютернинг мантиқий хисоблаш тизимлари, рақамли технологиялар, дастурлаш тиллари, дастурий таъминот ва интеллект тизимларининг назарияси ва амалиёти татбиқ этилиши билан боғлиқ усулларнинг таҳлили асосида булар нейрон тармоқлар, машинали ўқитиши усуллари хисобланади [1]. Нейрон тармоқли усул. Нейрон тармоқли усул тасвирни аниқлашда фойдаланилиб, бир неча нейрон тармоқларини қўллашга асосланади. Расм ва тасвирларни аниқлаш учун нейрон тармоқларнинг асосий йўналишлари қўйидагилар:

берилган тасвир белгиларини ёки қалитли кўрсаткичларини ажратиш учун қўллаш;
кўрсаткичларидан ажратилган ёки ўзининг нусхаларини классификациялаш (биринчи навбатда ажратилган қалит сўзларнинг маҳфий ички тармоққа киритилиши);

масалани энг қулийни танлаш. Нейрон тармоқлар бир-бири билан биргаликда ишлаши ва натижани умумий “Хулоса” кўринишида бериши мумкин.

Масалан, тасвирни бир қисмини бир алгоритм ва бошқа қисмини яна бир алгоритм бажаради, натижага умумлаштирилиб ягона хulosaga эришилади. Бир неча нейрон тармоқларнинг биргаликда ишлашида обьектга йўналтирлган дастурлаш тиллари асосий рол ўйнайди.

Шунинг учун уларни амалиётда қўллашда хамма вазифаларни параллел бажара оладиган тармоқ хисобланади. Бу нейрон тармоқларнинг бошқа усуллардан афзаллиги унинг эгилувчанлиги ва универсаллигидир. Бундан ташқари қалит белгилари билан ўзаро алоқада эканлиги инобатга олинади. Машинали ўқиш усуллари. Машинали ўқиш сунъий интеллект соҳасидаги перспектив йўналишларидан бири хисобланади. Машинали ўқиш усуллари мураккаб масалаларга эга соҳалар

яъни тасвиirlарни ўқитиш, нуткни таниш, прогноз қилиш, тасвирда информатив белгиларни ажратиш, маълумотлардаги қонуниятларни аниқлаш, маълумотлар классификацияси, юз тасвири асосида шахсни таниш каби соҳаларда қўлланилиб келмоқда.

Машинали ўқиш бу шундай дастур бўлиб у бирор қарорни қабул қилиши учун ўқиш имкониятига эга. Дастур ўқиши борасида унинг қабул қиласиган қарорларининг аниқлиги ортиб боради. Асосан машинали ўқиш икки турга ажralган, ўқитувчи ёрдамида ва мустақил ўрганувчи.

Масалан, бирор бир обьект (юз тасвир) кўринишини танидиган дастур яратиш керак бўлсин, у ҳолда шу обьектнинг ҳар хил белгига эга кўринишлари орқали ўқитувчи ёрдамида машинали ўқиш амалга оширилади. Натижада дастурий таъминот учун янги мазкур обьектнинг янги кўриниши тақдим қилингандан дастур уни таниши мумкин. Шунингдек тасвирга кўра шахсни таниш эффективлиги ортиши учун ўқиш жараёни кўп микдорда юз тасвир кўринишининг информатив солиштириш белгилари қараб чиқилади. Бугунги кунда ҳисоблаш техникалари қуввати ортиб бориши ва маълумотларнинг кўплиги машинали ўқиш эффективлигини оширишга хизмат қилмоқда [2].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки юз тасвири асосида шахсни идентификациялаш тизимларининг таҳлилий сифатида сунъий интеллектга асосоланган усуllар ёрдамида шахсни тасвир ёрдамида таниб толиш, информатив белгилар мажмуасининг ҳисоблаш жараёнларида нейрон тармоқ ва машинали ўқитиш усуllарини қўллаган ҳолда таниб олиш аниқлигини ва тезкорлигини оширишнинг самародорлик кўrsatкичларга эга эканлигини ҳисоблаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Scikit-learn: Machine Learning in Python / Pedregosa Fabian, Varoquaux Gaël, Gramfort Alexandre [и др.]. — Текст: непосредственный // Journal of Machine Learning Research. — 2011. — № 12(85). — С. 2825–2830. Пол, Дейтел Python.
2. Искусственный интеллект, большие данные и облачные вычисления / Дейтел Пол, Дейтел Харви. — СПб.: Питер, 2020. — 864